*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

3 октябрь 1973 йил, чоршанба ◆ № 233 (15.707). ◆ Баҳоси 2 тийин.

## Гвинея Демократик партияси Бош секретари, Гвинея Республикаси президенти ЎРТОҚ АҲМАД СЕКУ ТУРЕГА

КОНАКРИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимиздан сизга, Гвинея Демократик партиясига, Гвинея ҳукумати ва халқига Гвинея Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимизни йўллаймиз.

Гвинея Республикаси халқига нисбатан дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор этаётган совет кишилари Гвинея халқининг прогрессив ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган кучғайратини юксак қадрлайди ва Гвинея халқининг ўз ватанининг миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида, империализм ва реакция кучларининг кирдикорларига қарши олиб бораётган кураши билан ҳамиша бирдамлигини изҳор қилади.

Биз чуқур ишонамизки, бизнинг мамлакатларимиз, партияларимиз ва халқларимиз ўртасида қарор топган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик традицион муносабатлари Совет Иттифоқи билан Гвинея Республикаси халқларининг манфаатлари йўлида, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади.

Сизга, Гвинея Демократик партиясига, ҳукуматига ва бутун Гвинея халқига янги ҳаёт қуришда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ — Н. ПОДГОРНИЙ — А. КОСИГИН

# „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИМИЗ

# 2,5 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ

◆ Ўзбекистон пахтакорлари 4 миллион 850 минг тонналик улкан мақсад сари ғайрат билан интилмоқдалар. ◆ Пахтазорда жавлон ураётган «Зангори кема»ларга кенг йўл. ◆ «Ўзбекистон» терим машиналари бункеридан кунига 20-30 тонналаб дурдона тўкаётган пахтазор суворийларига тенглашинг. ◆ Машиналардан унумли фойдаланиб кунлик терим суръатини тобора ошираётган дўстлик, жиззах, мирзачўл, ленин, избоскан, яккабоғ, ғузор, сариосиё, киров, янгиқўрғон районларининг пахтакорлари маррага дадил бормоқдалар. ◆ Сирдарё, тошкент областлари сўнгги ўн кунликда республика кўчма қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. Терим илғорларига офарин!



Сирдарё область, Октябрь районидаги 31-совхоз механизаторлари «оқ олтин» хирмонига барака киритмоқдалар. Совхозининг 3-бўлимида 550 гектар майдондан 1650 тонна хирмон кўтаришда механизаторлар етакчи куч бўлмоқда. Бўлимда 12 та «зангори кема» билан кунига 75-80 тоннадан пахта терилмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) механизаторлардан М. Убайдуллаев, И. Содиқов, Э. Маҳкамов, бўлим бошлиғи И. Қудратов ва бўлим агрономи У. Умаров ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

## 4,850000 тонна — ПАХТА ШТАБИ

Телефонлар: 337143-337604

### 9 МИНГ ТОННА ТАЙЁР

**ЖИЗЗАХ. («Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбиридан телефонда олинди).** Ленин ордени «Москва» колхозининг пахтакорлари 9 минг тонна пахта тайёрлаб, зафар маррасига етдилар. 3550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг 70 проценти «зангори кема»лар бункерида тўкилди. 42 та терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 150 тоннадан пахта териб олинди. Илғор механизаторлардан Пардабой Ҳамроқулов—350 тонна, Ўроқ Ерлақабов — 280 тонна, Ўрол Азизхонов—270 тонна, Расул Маҳмудов — 265 тонна дурдона териб бердилар.

Умри Орифжонова, Пардабой Зиёдов ва бошқа илғор бригадаларнинг коллективлари гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш учун курашни давом эттирмоқдалар. Колхоз пахтакорлари ялпи ҳосилни 15 минг тоннага етказиб, машиналарда 10 минг тонна дурдона териб олишга сўз бердилар. Ҳосилдорлик 40 центнерга етади!

**Н. ҚАРШИБОЕВ.**

### МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

**ДЎСТЛИК. (Телефонда олинди).** Қўриқ ердаги Қосим Раҳимов номли 3-совхоз пахтакорлари областда биринчилар қатори йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Она-Ватан қўриқ совхоз азаматларидан 6800 тонна юқори сифатли дурдона қабул қилиб олди.

— Совхозимиз пахтакорлари механизациядан унумли фойдаландилар, — дейди совхоз директори Мурод Уролов. — 96 терим машинаси билан ўртача 80-90 тоннадан пахта терилди. Маҳмуд Сафаров, С. Абдуалимов, Х. Мусаев, Э. Қўшназаров каби илғор механизаторларнинг ҳар бири 200-250 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар.

18 иш кунида йиллик план бажарилди. Зарбдор пахтакорлар октябрь ойида ҳамма ҳосилни 100 процент машиналарда йиғиб-териб олиб, совхоз хирмонини 10 минг тоннага етказишга сўз бердилар.

### ПЛАН — 15 ИШ КУНИДА

ОКТЯБРЬ. Республиканинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган совхозимиз пахтакорлари 15 иш кунида ғалаба рапортига имзо чекдилар. 1800 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 15 центнердан хирмон кўтарилди. Йиллик план 110 процентга етди. Нўлдош Қудратов ва Худойберди Худойназаров ўртоқлар бошқараётган бўлимларнинг пахтакорлари Октябрь районида биринчи бўлиб маррага етдилар. Эндиликда улар ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Ҳасан Маъмуров, Мандат Абдалимов, Худойберди Исломов, Нормамат Раҳматов ўртоқлар етакчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадаларнинг коллективлари ҳосилдорликни 25 центнерга етказиб, йиллик планни 140-150 процент адо этдилар. Илғор бригадаларнинг пахтакорлари планни 200 процент ва ундан ошириб бажариш учун астойдил бел боғлаганлар. Бу бригадаларда ҳамма механизаторлик касбини пухта эгаллаган. Бригада етанчиларининг ўзлари мавсумда 350-400 тоннадан пахта териб беришга қарор қилганлар. Шу кунга қадар «зангори кема» бункеридан Ҳ. Маъмуров — 280 тонна, Х. Исломов — 260 тонна: Н. Раҳматов — 250 тонна дурдона тўкдилар.

Совхозимизда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Механизаторлар терим суръатини кун сайин оширмоқда. Ҳозирга қадар 40 та терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 140 тоннадан пахта терилди. Совхоз механизаторлари бу кўрсаткични ўртача 200 тоннага етказишга интилмоқдалар.

Далаларимизда ҳали ҳосил мўл. Планнинг бажарилиши чегара эмас. Республиканинг 4 миллион 850 минг тонналик улкан хирмонига янада салмоқлироқ ҳисса қўшишга аҳд қилдик. Шу аҳдга кўра пландан ташқари 2200 тонна «оқ олтин» топшириб, совхоз хирмонини 4.5 минг тоннага етказамиз. Оширилган мажбуриятни ҳам 15 кунда уддалаймиз.

**Мустафоқул УМРЗОҚОВ,**
**Октябрь районидаги 31-совхоз директори.**

### 4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 2 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада: бир кунда | Шу жумладан машинада: мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Андижон | 2,01 | 76,71 | 2,76 | 73,61 |
| Қашқадарё | 1,90 | 73,59 | 2,36 | 54,45 |
| Сурхондарё | 2,51 | 66,50 | 3,07 | 60,59 |
| Фарғона | 2,54 | 57,62 | 2,88 | 43,75 |
| Наманган | 3,00 | 56,80 | 4,79 | 67,58 |
| Сирдарё | 4,02 | 56,35 | 5,12 | 68,22 |
| Тошкент | 3,98 | 50,92 | 5,04 | 53,61 |
| Бухоро | 2,17 | 45,26 | 3,18 | 35,88 |
| Хоразм | 2,73 | 43,56 | 2,24 | 23,04 |
| ҚҚ АССР | 2,81 | 40,60 | 3,03 | 27,55 |
| Самарқанд | 2,95 | 34,36 | 4,47 | 34,13 |
| Республика бўйича: | 2,78 | 54,97 | 3,70 | 51,04 |
| | Шу жумладан нигичка толали пахта | | | |
| Сурхондарё | 1,86 | 53,22 | | |
| Қашқадарё | 1,48 | 45,67 | | |
| Бухоро | 0,88 | 11,54 | | |
| Республика бўйича: | 1,72 | 47,97 | | |

### ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XXVIII сессиясида Совет Иттифоқи делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 2 октябрда Нью-Йоркдан Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

## ГВИНЕЯ ВА ЯШИЛ БУРУН ОРОЛЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИ АФРИКАЛИКЛАР ПАРТИЯСИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Аристидес ПЕРЕЙРАГА

Португалия мустамлакачилари билан курашиб кўлга киритилган ерда халқингиз тарихида биринчи марта миллий давлат тузиб катта ғалабага эришганлигингиз билан сизни ва сизнинг партиянгизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Сизнинг партиянгиз руҳлантириб турган миллий озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари Африка халқларининг, барча антиимпериалистик кучларнинг, мазлум халқларнинг миллий озодлик учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Совет коммунистлари, бутун совет халқи ишонадики, Гвинея—Бисау суверен давлати ажнабий золимларни мамлакатдан батамом қувиб чиқариш учун, ўз озодлиги ва гуллаб-яшнаши учун курашда мардонавор халқингизнинг содиқ қўроли бўлиб хизмат қилади.

Яшасин Гвинея — Бисау мустақил республикаси!

КПСС билан Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси ўртасида, мамлакатларимиз халқлари ўртасида бузилмас бирдамлик ва дўстлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

**Л. БРЕЖНЕВ,**
**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.**

## ГВИНЕЯ — БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Луис КАБРАЛГА

## ГВИНЕЯ — БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КОМИССАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Франсиско МЕНДЕСГА

Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси раҳбарлиги остида, Португалия мустамлакачилари билан мардонавор қаҳрамонларча кураш натижасида Гвинея—Бисау Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ҳамда шахсан ўз номимиздан сизларга, Давлат кенгашига, давлат комиссарлари кенгашига ва бутун Гвинея-Бисау Республикаси халқига ўзимизнинг самимий табрикларимизни йўллаймиз ва озодлик, мустақиллик, тараққиёт ва миллий уйғониш шароитида янги ҳаёт қуришда муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Иттифоқи Гвинея—Бисау халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган курашини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда, унга ёрдам ва мадад бериб турибди. Биз ишонамизки, Гвинея—Бисау Республикаси халқлари ўз ватанини мустамлакачилик асоратидан батамом халос қилишга эришаздиган пайт узоқ эмас.

Узининг барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва дўстликдан иборат тинчликсевар ташқи сиёсатига, шунингдек халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш принципларига мувофиқ Совет Иттифоқи Гвинея—Бисау Республикасини танинганлигини билдиради ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор қилади.

Сизларни янги давлатда юксак лавозимларга сайланишингиз билан табриклаймиз ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда Африка қитъасида мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш мақсадида, ҳар иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида, Совет Иттифоқи билан Гвинея—Бисау Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар муваффақиятли ривожланаверади, деб ишонч билдирамиз.

**Н. ПОДГОРНИЙ**
**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**

**А. КОСИГИН**
**СССР Министрлар Советининг Раиси**

## Л. И. БРЕЖНЕВ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ, АҚШ МОЛИЯ МИНИСТРИ Ж. ШУЛЬЦНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев АҚШ президентининг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчиси, савдо масалалари юзасидан Совет — Америка комиссияси III сессиясида Америка делегациясининг бошлиғи, АҚШ молия министри Ж. Шульцни 1 октябрда Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик вазиятида ўтган суҳбатда Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларга, шу жумладан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга доир бир қанча масалалар қараб чиқилди.

Суҳбатда Америка томонидан — АҚШ савдо министри Ф. Дент, давлат секретари ўринбосари У. Кейси ва АҚШнинг мувақкат ишлар вакили А. Дабс; Совет томонидан — Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, ташқи савдо министрининг ўринбосарлари В. С. Алхимов, А. Н. Манжуло иштирок этдилар.

### ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

СССР Олий Советининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси бундестаги президенти Анне-Мари Ренгер бошчилигидаги ГФР парламент делегацияси 2 октябрда Москвадан юртига жўнаб кетди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, бошқа расмий кишилар ҳар иккала мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида делегацияни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ГФРнинг СССРдаги элчиси Ульрих Зам ҳам бор эди.

(ТАСС).

### ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Америка Қўшма Штатлари газеталари ноширлари миллий уюшмасининг делегацияси Ўзбекистоннинг ҳаёти билан таниша бошлади. СССР журналистлар союзининг таклифига биноан бизнинг мамлакатимизга келган меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, Г. Димитров номидаги 9-ўрта мактабни бориб кўрдилар. Меҳмонлар Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

### Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Л. СВОБОДА БИЛАН ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1 октябрда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Президенти Людвик Свобода билан учрашди. Улар ўртасида ғоят дўстона, самимий вазиятда давомли суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида қардош халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Л. И. Брежнев Совет — Чехословакия муносабатларини ривожлантиришда ЧССР Президенти Л. Свобода муҳим роль ўйнаганлигини, мамлакатимизда унинг обрў-эътибори юксак бўлиб, ҳурмат билан тилга олинишини таъкидлаб ўтди.

Ҳар икки томонни қизиқтирган муҳим халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошираверишга, КПСС билан Совет ҳукумати кўраётган чоралар тўғрисида гапириб берди.

Л. Свобода халқаро кескинликни юмшатиш учун курашга Совет Иттифоқи қўшаётган ҳиссага юксак баҳо бериб, социалистик мамлакатларнинг Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро келишиб амалга оширадиган тадбирларида актив қатнашишга Чехословакия қатъий аҳд қилганлигини таъкидлаб ўтди. ЧССР Президенти коммунизм қурилишида совет халқига янги-янги муваффақиятлар тилади.

Л. И. Брежнев шахсан ўз номидан, коммунистлар ва бутун совет халқи номидан қардош Чехословакия халқига социализм қурилишида янги-янги ғалабалар, Л. Свободага ЧССР Президенти лавозимидаги масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

### Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Ҳиндистон Бош министри И. Гандининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга боради. Визитни шу йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида ўтказиш мўлжалланади.

# СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқ ижроия вечаси Раиси Жемал Биедичнинг таклифига биноан, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 1973 йил 24 сентябрдан 1 октябргача расмий дўстлик визити билан Югославия Социалистик Федератив Республикасида бўлди.

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни қабул қилди ҳамда у билан самимий ва дўстона суҳбатлашди.

А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари Сербия, Македония, Хорватия, Босния ва Герцеговина Социалистик Республикаларига сафар қилдилар. Улар бу республикаларда корхоналарни, тарихий ёдгорликларни кўздан кечирдилар, меҳнаткашлар билан, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар. Югославия халқларининг ҳаёти ва муваффақиятлари билан танишдилар. А. Н. Косигин ҳамма жойда самимий ва дўстона кутиб олинди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан ЮСФР Иттифоқ ижроия вечасининг Раиси Жемал Биедич ўртасида музокаралар бўлди. Бу музокараларда қуйидагилар қатнашди:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Госплани раисининг ўринбосари Н. Н. Иноземцев, СССР Министрлар Совети Раисининг ёрдамчилари Б. Т. Бацанов ва Ю. В. Фирсов, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлимининг мудири Н. Н. Сикачев.

Югославия томонидан — Иттифоқ ижроия вечаси Раисининг ўринбосари Я. Сироткович, Иттифоқ ижроия вечасининг аъзоси, ташқи савдо бўйича иттифоқ секретари Э. Людвигер, Иттифоқ ижроия вечасининг аъзоси М. Бировлев, ташқи ишлар бўйича иттифоқ секретарининг ўринбосари Р. Дляаревич, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Пешич, Иттифоқ ижроия вечасининг ахборот масалалари бўйича секретари Д. Будимовский, Иттифоқ ижроия вечаси секретарининг ўринбосари Б. Микашинович, ижтимоий планлаштириш иттифоқ бошқармасининг директори В. Лойчар, ташқи ишлар бўйича Иттифоқ секретариати сиёсий бўлимининг мудири Т. Липковски.

Суҳбат ва музокаралар дўстона муҳитда, ҳамжиҳатлик ва самимият руҳида ўтди.

СССР Министрлар Советининг Раиси билан ЮСФР Иттифоқ ижроия вечасининг Раиси ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик қандай аҳволда эканлигини ва бу ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятларини ҳар томонлама қараб чиқдилар, ҳар икки мамлакатда социалистик ва коммунистик қурилишнинг натижалари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ва халқаро аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Совет—Югославия ҳамкорлиги ҳамма соҳаларда—сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ғоят муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан ЮСФР Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Титонинг 1971 йил сентябрида Белградда ва 1972 йил июнь ойида Москвада ўтказган учрашув ва суҳбатлари ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш учун, СССР билан Югославия Социалистик Федератив Республикаси ўртасидаги, КПСС билан Югославия Коммунистлар союзи ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидладилар. Ҳукуматларнинг бошлиқлари Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги самарали ҳамкорлик 1955 йилда Белградда қабул қилинган декларацияга, 1971 йилдаги қўшма баёнотга ва 1972 йилдаги қўшма ахборотга мувофиқ ўзаро манфаатдорлик, суверенитет, ҳудуднинг

(Давоми иккинчи бетда).

# СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

(Боши 1-бетда)

тенглик ва аралашмаслик принципларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилаётганлигини уқтириб ўтдилар. Ана шу декларация: баёнот ва қўшма ахборотлар ҳар икки социалистик мамлакат ўртасидаги муносабатларни тағин ҳам ҳар томонлама ривожлантириш учун муҳим ва мустаҳкам негиздир. Улар ҳар иккала мамлакатда олий даражадаги учрашувлар натижасида қабул қилинган совет—югослав ҳужжатлари қоидаларини амалга ошириш соҳасида анча катта иш қилинганлигини таъкидладилар.

А. Н. Косигин ва Ж. Биедич мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, Совет Иттифоқи билан Югославия Коммунистлар союзи ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек СССР Олий Совети билан ЮСФР Иттифоқ скупщинаси ўртасидаги, ҳар иккала мамлакатдаги айрим республикалар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик гоят самарали бўлиб, доим кенгайиб бормоқда.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият бердилар ва бу ҳамкорлик муттасил тез ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар.

Томонлар иқтисодий ҳамкорликнинг эришилган даражаси бу ҳамкорликни тағин ҳам ҳар томонлама ривожлантириш учун реал ва кенг асос яратиб беради, деган фикрни изҳор қилдилар. Улар автомобиль, электрон, машинасозлик саноатида ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш мақсадида янада зўр бериб ҳаракат қилиш, енгил саноатда, металлургия, қишлоқ хўжалигида, транспорт ва туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш зарур эканлигини таъкидладилар.

Ҳар икки мамлакатнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқаришни ва ўзаро хом ашё етказиб беришни кенгайтириш мақсадида ўзаро бамаслаҳат келишиб олинганига мувофиқ узоқ муддатли асосда ҳамкорликни ривожлантиришга ҳар икки томон интилаётганлиги уқтириб ўтилди.

Томонлар иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳозирги замон фан ва техникасининг ютуқларидан янада самаралироқ фойдаланишга ташниши лозим, деган фикрга асосланадилар. Улар икки томонлама асосда, шунингдек кўп томонлама асосда манфаатдор илмий ташкилотлар ва хўжалик ташкилотларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам берадилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Совет Иттифоқи ва Югославиядаги илғор ҳамда ташқи савдо органларининг маслаҳатлашиб туриши, шунингдек амалий ҳамкорлик тўғрисида, аввало, саноат объектларини ва бошқа объектларни биргаликда қуриш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва илмий-тадқиқот ишлари соҳасида амалий ҳамкорлик тўғрисида узоқ муддатга мўлжалланган битимларни тузиш ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Совет Иттифоқи ва Югославия халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан мунтазам суратда фикрлашиб олиш ҳам ҳозирги шароитда катта аҳамиятга эгадир.

Томонлар иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Совет—Югославия ҳукуматлараро комитетининг ишига ижобий баҳо бердилар ва бу комитетнинг фаолиятини янада кучайтириш зарур эканлигини таъкидладилар.

Муносабатларни янада ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ва совет ҳамда югослав халқларининг ҳаётини объектив суратда, ҳар томонлама ва очиқ кўнгил билан ёритиш мақсадида томонлар информация фаолияти соҳасида, шунингдек маданият, фан ва маориф соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларни тузиш хусусида музокаралар олиб бориш юзасидан келишиб олдилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари Совет — Югославия ҳамкорлигининг ҳар томонлама кенгайтириш учун барча шарт-шароит ва заминлар мавжуд, деб ҳисоблайдилар ва ҳар икки томон ҳар иккала социалистик мамлакатнинг ички тараққиёти ва халқаро аҳволидаги мавжуд хусусиятларни ҳурмат қилган ҳолда муносабатларни дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ишонч руҳида мустаҳкамлаш учун янада зўр бериб ҳаракат қилишга қарор берганлигини изҳор қилдилар.

Актуал халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олиш вақтида томонлар социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сиёсати, барча тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг зўр бериб қилган ҳаракатлари натижасида кейинги вақтларда халқаро муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй берганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Ҳар икки ҳукумат кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтириш ва бу жараённи бутун дунёга ёйиш манфаатларини кўзлаб, бундан буён ҳам изчиллик билан ҳаракат қилаверади.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари кейинги даврда Европада кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликни кенгайтириш соҳасида олға қараб анча катта қадам қўйганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. СССР ва ЮСФР Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли ўтишига бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлайдилар ва бу кенгашда кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш ва кучайтиришга ёрдам берадиган, Европадаги барча давлатларнинг тинч ва яхши қўшничилик муносабатлари ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун мустаҳкам пойдевор қуришга кўмаклашадиган қарорлар қабул қилинишини ёқлаб чиқмоқдалар. Умумевропа кенгашининг муваффақиятли тугалланиши Европа мамлакатларининг кенгашда ишлаб чиқиладиган принциплар асосида бошқа районлар ва қитъалардаги мамлакатлар билан кенг ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам берган бўлур эди.

Томонлар ҳозирги шароитда тинчлик ва халқаро хавфсизлик бир-биридан ажралмасдир, улар жаҳондаги барча районлар ва мамлакатларни ўз ичига қамраб олиши керак, деб астойдил ишонганликларини билдирдилар. Улар яна шуни қайд қилдиларки, тинчлик ва халқаро хавфсизлик мамлакатлар тор доирасининг ёки баъзи катта давлатларнинг монополияси эмас ва уларнинг монополияси бўлолмайди. Тинчлик ва хавфсизликни сақлаш тўғрисида гамхўрлик қилиш — барча мамлакатларнинг ҳуқуқи ва бурчидир. Ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатлари, аввало, кескинликни юмшатиш жараёнига хануз қаттиқ қаршилик кўрсатаётган агрессив кучлар томонидан вужудга келтириладиган низоли вазиятларни дарҳол бартараф қилиши талаб этади.

Томонлар халқларнинг эски ва янги мустамлакачиликка қарши, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган сиёсий ва иқтисодий муносабатлар учун, тинч-тотув яшаш принципларини изчиллик билан қўлланиш учун олиб бораётган кураши бутун жаҳонда ялпи тинчлик ва тараққиёт учун курашнинг таркибий қисмидир, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар шуни қайд қилдиларки, империалистик ва реакцион кучлар халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига тўсқинлик қилишга жон-жаҳдлари билан интилмоқдалар. Жаҳоннинг бир қанча районларида мустақиллик ва озодликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқларга қарши куч ишлатишга қадар, энг қўпол методларни ҳануз қўлламоқдалар. Империализмнинг экспансиячилик сиёсати хусусан Шарқи-Жанубий Осиёда, Яқин Шарқда, Жанубий Африкада ва Латин Америкасининг бир қанча районларида яқол намоён бўлаётганлиги қайд қилиб ўтилди. Кейинги вақтларда Чилида рўй берган воқеалар империализм кўзда тутган кенг кўламдаги агрессив планларнинг таркибий қисмидир.

СССР ва ЮСФР Чилидаги Халқ бирлиги қонуний ҳукуматининг ташқи империалистик кучлар ёрдамида ички реакция томонидан ағдариб ташланганлигини ва республиканинг қонуний президенти Сальвадор Альенденинг ўлдирилишини кескин қоралайдилар. Улар бу мамлакатда аёв олиб кетган террор дарҳол тўхтатилсин деб талаб этадилар ва Чили халқи билан бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

Томонлар шу нарсани алоҳида қайд қиладиларки, социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлик сиёсати ва уларнинг барча давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда барча халқаро проблемаларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида ҳал этишга қаратилган тадбирлари тинчлик ишига ва тинчликсевар ҳамда тараққийпарвар кучларнинг жаҳонда социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига анча катта ҳисса қўшмоқда.

Томонлар блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг Лусакада ўтказилган конференцияси якуларига ижобий баҳо бердилар ва бу конференция халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Улар блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг империализмга, мустамлакачиликка ва сиёсий ҳамда иқтисодий ҳукмронлик ва аралашувнинг барча формаларига қарши, тинчлик, мустақиллик, тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун, ҳақ-қоний сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ҳамда социал тараққиёт учун курашга ҳисса қўшганликларини ва бу йўлда актив ҳаракат қилаётганликларини уқтириб ўтдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги аҳволдан гоят ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар бу райондаги тангликни бартараф қилиш ва барқарор сиёсий муносабатлар бўлишини таъминлаш — ўрта денгиз ҳавзаси районида, Европада ва бутун дунёда хавфсизлик ҳамда тинчлик ўрнатилишининг муҳим шарти, деб ҳисоблайдилар. Улар араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши, барча араб давлатларининг мустақиллик, суверенитет ва территориал бутунлик учун олиб бораётган ҳаққоний курашини ёқлаб-қувватлайдилар. Улар Америка империализмидан мадад олаётган Сайгон режимининг Париж битимларини бузаётганлигини қоралайдилар.

Томонлар Лаосда тинчликни тиклаш ва миллий иноқликка эришиш тўғрисидаги битимнинг имзоланишини ҳамда бу битимга илова қилинган протоколни табриклайдилар ва битим ҳамда протокол огишмай, пухта бажарилади деб умид қиладилар. Айни вақтда улар империалистларнинг Камбоджа ички ишларига ҳануз аралашаётганлигидан ташвишланаётганликларини билдирдилар ва Камбоджа халқларининг озодлик курашини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидладилар.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига катта аҳамият берадилар ҳамда унинг тинчликни сақлаш ҳамда халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро проблемаларни ҳал этиш соҳасидаги ролини таъкидлайдилар.

Совет Иттифоқи билан Югославия халқаро муҳитни янада соғломлаштириш учун қаттиқ ва самарали халқаро контроль остида қуролланиш пойгасини тўхтатиш, шу жумладан, ядро қуроли билан, қурол-яроғларнинг оддий турлари билан қуролланиш пойгасини ҳам тўхтатиш биринчи даражали аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар. Улар қуролсизланиш масаласи юзасидан барча давлатларнинг иштироки билан жаҳон конференциясини чақиришга амалий тайёргарлик кўра бошлаш пайти келди, деган фикрни яқлилик билан изҳор қиладилар. Ҳарбий харажатларни қисқартириш иқтисод қилинган маблағ воситалардан халқларнинг фаровонлигини ошириш, ривожланиб бораётган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш учун фойдаланиш имкониятини яратиб берган бўлур эди.

А. Н. Косигин билан Ж. Биедич икки томонлама муносабатлар ва халқаро проблемаларга доир масалалар юзасидан ҳар икки мамлакат вакиллари ўртасида турли даражаларда фикрлашиб олинаётганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар ва янада тўлароқ ҳамжиҳатлик ўрнатиш манфаатларини кўзлаб бу практиканй давом эттириш кераклигини айтдилар.

Томонлар СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг визити икки социалистик мамлакат халқларининг дўстлигини ва СССР билан ЮСФР ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўшилган янги ҳисса, деб ҳисоблайдилар.

А. Н. Косигин Ж. Биедични расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

# Жаҳон бўйлаб

**ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ**

●

**ҚАРДОШЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ЮТУҒИ**

●

**ЧИЛИДАГИ БЕ. БОШЛИКЛАР ТУГАТИЛСИН**

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТОШКЕНТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ТЎҒРИСИДА «НЬЮ ЭЙЖ» ЖУРНАЛИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 1 октябрь, (ТАСС). «Нью эйж» журнали КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган нутқига бағишлаб редакцион мақола чиқарди.

Бу мақолада шундай дейилади: бизнинг халқимиз совет раҳбари Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги нутқида Ҳиндистон тўғрисида айтган дўстона ва хайрихоҳлик сўзларини зўр қувонч ва мароқ билан кутиб олди. Атоқли халқаро арбоб ва социализм мамлакатининг давлат раҳбари улуғ совет халқининг ҳинд халқига нисбатан ҳис-туйғуларини ифода қилди. Тинчлик, миллий озодлик, социал тараққиёт ва социализм ишига улуғ совет халқининг қўшган ҳиссаси мислсиздир. Биз, ҳиндлар учун бу сўзлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу сўзлар кўп йилларлан бери бизни энг оғир пайтларда ва энг мушкул ҳолларда қўллаб-қувватлаган содиқ дўстларимизнинг сўзидир. Бу сўзлар мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради, деб уқтириб ўтади, журнал.



СССР—Ғарбий Европа транзит газопроводининг Чехословакиядаги участкасида ускуналарни ўрнатиш ишлари қизғин давом этяпти. Айниқса «Гидростав»нинг Братислава бошқармаси ишчилари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришяпти. Суратда: газопроводнинг Ғарбий Словакияда ўрнатилган таъсимот ускуналари. ЧТК—ТАСС фотоси.




АНГЛИЯ. Мамлакатнинг прогрессив жамоатчилиги Преториядаги ирқчилик режимига қарши қатъий норозилик билдиряпти, Жанубий Африка Республикасидаги сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини талаб этяпти, бутун жамоатчиликни жанубий Африканинг ватанпарвар кучларига ёрдам беришга чақиряпти. Суратда: Лондон аҳолисининг намойиши.

ТАСС фотохроникаси.

## СОВЕТ—АМЕРИКА САВДО МУЗОКАРАЛАРИ

1 октябрда Москвада СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев раислигида савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи Совет — Америка комиссиясининг учинчи сессияси очилди.

1972 йил май ойида совет раҳбарлари билан АҚШ президенти ўртасидаги бамаслаҳат келишувга мувофиқ тузилган комиссия СССР билан АҚШ ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг аҳволи ва бу муносабатларни янада ривожлантириш имкониятларига алоқадор масалаларни муҳокама қилади.

АҚШ президентининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ёрдамчиси, АҚШ молия министри Ж. Шульц сессияда қатнашувчи Америка ҳукумат делегациясига бошчилик қилмоқда.

Н. С. Патоличев Ж. Шульцнинг Москвага келиши ва Совет — Америка комиссияси учинчи сессиясининг очилиши муносабати билан шу куни нонушта зиёфат берди. (ТАСС).

# ХАЛҚЛАР ҚАТЪИЙ ҚОРАЛАМОҚДА

**Жаҳон халқлари Чилида ҳарбий хунта бошлаган қонли террорни қаҳр-ғазаб билан қораламоқда. Халқлар реакцион кучларнинг янги қонли ёвузликларига қарши дарҳол чоралар кўришини, Чили меҳнаткашлари билан бирдамлик кампаниясини кенгайтиришни талаб қилмоқдалар.**

**Жаҳон жамоатчилиги Чили Компартияси Бош секретари Луис Корваланнинг қамоққа олинишига қарши қатъий норозилик билдирмоқда ва уни дарҳол озод этишни талаб этмоқда.**

◆ ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари федерацияси эълон қилган баёнотда Чили Коммунистик партияси Бош секретари Луис Корваланнинг қамоққа олинишига қарши норозилик изҳор этилган, деб хабар беради ЧТК агентлиги.

Баёнот бутун дунё меҳнаткашларини Чили прогрессив кучларининг таъқиб этилишига қарши қатъий норозилик билдиришга ва инсонгарчилик ва адолатнинг барча нормаларини поймол қилаётган реакция ва террор кучларининг хатти-ҳаракатларига чек қўйишга чақирмоқда.

Халқаро студентлар союзининг секретариати Чилида фашист хунта олиб бораётган террор ва таъқиб қилиш сиёсатига қарши қатъий норозилик билдиради, дейилади халқаро студентлар союзи секретариатининг ЧТК агентлиги тарқатган баёнотида.

Халқаро студентлар союзи секретариати, дейилади баёнотда, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун кураш принципларига содиқ бўлган бутун дунё студентларига мурожаат қилиб, Л. Корваланни қатъият билан ҳимоя қилишга, Чилида фашистлар террорини тўхтатиш ва барча сиёсий маҳбусларни озод қилишни талаб этишга чақиради.

◆ ХЕЛЬСИНКИ. Чили халқи билан бирдамлик халқаро конференцияси «Бутун дунёда Чили халқи билан бирдамлик ҳаракатини дарҳол кучайтириш тўғрисида декларация» шунингдек «Чили халқи билан бирдамлик тадбирларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар»ни қабул қилди.

Конференция БМТ Бош секретари Курт Вальдхаймга ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари комиссиясига телеграмма йўллаб, Чили Коммунистик партияси Бош секретари Луис Корваланнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уни озод қилиш учун шошилинч чоралар кўришга чақирди.

◆ БЕРЛИН. Германия либерал-демократлар партияси марказий правлениеси Чилида ҳарбий хунта давом эттираётган террорни тўхтатишни, Чили Компартияси Бош секретари Луис Корваланни ва қамоққа олинган барча ватанпарварларни озод қилишни қатъий талаб қилиб чиқди.

ГДРдаги демократик блок-миллий-демократик ва демократик деҳқонлар партияси, ГДР христиан-демократлар союзига кирган бошқа партиялар ва оммавий ташкилотлар, Германия Демократик хотин-қизлар союзи ва ГДР миллий фронти миллий кенгаши Чили коммунистлари раҳбари Л. Корваланга нисбатан тайёрланаётган ёвузликка қарши норозилик билдирди.

◆ ЛОНДОН. Чили билан бирдамлик Англия комитети Буюк Британия меҳнаткашларини Чили халқининг ҳарбий хунтага қарши курашини қўллаб-қувватлаш юзасидан 4 ноябрда ўтказиладиган миллий намойишда актив қатнашишга чақирди.

Лондон бинокорлари Англия бош министри Э. Хитдан Чили билан дипломатия муносабатларини узишни ва у билан ҳар қандай савдо-иқтисодий алоқаларни тугатишни талаб қилдилар.

Лейбористлар партиясининг миллий ижроия комитети Англия ҳукуматини Чилида қамоққа олинган барча сиёсий маҳбусларнинг озод этилиши ва Чилида қатл қилиш ва террорнинг ҳозирги тўлқини тўхтатилиши учун курашишга чақирди. Ижроия комитетнинг баёнотида Чили ватанпарварлари билан халқаро бирдамлик зарур эканлиги таъкидлаб ўтилади.

◆ БРЮССЕЛЬ. Бельгия Коммунистик партияси Сиёсий бюроси Чили ҳарбий диктатурасини сиёсий ва дипломатик жиҳатдан эътироф қилиб, сўнгра Бельгия демократларини содир бўлган фактга бўйсунишга мажбур этаётган Бельгия ташқи ишлар министри Ван Элсланднинг тутган позициясини қоралади. Бельгия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг бу ерда эълон қилган ахборотида шундай деб айтилган. БКП Сиёсий бюроси, дейилади ахборотда, барча прогрессив кучларни Сантьягода ҳокимиятни зўрлик билан босиб олган ҳарбийларга бевосита ёки билвосита йўл билан ҳеч қандай мадад бермаслиги учун ҳукуматга нисбатан таъсирчан тазйиқ ўтказишга чақиради. Сантьягодаги ҳокимият босқинчиларининг демократларга нисбатан қўллаётган фашист методлари ва жабр-зулми жаҳон жамоатчилигини газабга солмоқда. Ҳукумат исёнчилар билан дипломатия муносабатларини узиши керак.

◆ ЖЕНЕВА. Швейцария жамоатчилигининг демократик доиралари Чили халқи билан бирдамлик кампаниясини кучайтирмоқдалар. Швейцариянинг 400 дан кўпроқ фан, маданият ва санъат арбоблари Чили халқини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги чақириққа имзо чекдилар. Булар орасида парламентнинг 12 депутати ҳам бор.

Илғор Швейцария зиёлиларининг намондалари Чилида С. Альенденинг қонуний ҳукумати ағдариб ташланганлигидан ва мамлакатдаги демократик кучларга қарши оммавий ҳарбий террорни авж олдиргани ҳарбий хунтанинг жиноий кирдикорларидан газабланганликларини билдирмоқдалар.

◆ НИКОСИЯ. Кипр президенти Макариос маҳаллий журналистлар билан ҳар ойда бир марта бўладиган учрашувда сўзга чиқиб, Чилида бўлган воқиона воқеалар мени гоят қайғуга солди, деди. Чилида бўлган воқеалар, деб таъкидлади президент, шунчаки ҳукуматни ағдариб ташлашдангина иборат эмас, балки қонли жиноятдир. Бу жиноятнинг Чили халқи бошидаги муддатли шарпалари жаҳондаги барча халқларни ҳаяжонга солди ва уларнинг нафратини қўзғатди. (ТАСС).

## Н. В. ПОДГОРНИЙ ГФР ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1 октябрда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ГФР парламенти делегациясини Кремлда қабул қилди. Делегацияга бундестаг президенти Анне-Мари Ренгер бошчилик қилмоқда.

Бўлиб ўтган суҳбатда Н. В. Подгорний Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар яхши ривожланиб бораётганлигидан мамнунлигини изҳор этди, шу муносабат билан Москва шартномасининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Шу шартнома, шунингдек ПХР ва ГДР билан ГФР ўртасида тузилган шартномалар, шу билан бирга Ғарбий Берлин хусусида тўрт давлат иштирокида тузилган битим Европадаги бутун вазиятга яхши таъсир ўтказмоқда.

Н. В. Подгорний СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг асосий йўллари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг шу йил майида ГФРга қилган визити ва унинг федерал канцлер В. Брандт билан олиб борган суҳбатлари чоғида белгиланганлигини айтди. Эришилган битим ва шартномаларнинг изчиллик билан амалга оширила бориши СССР билан ГФР ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни яхшилаш ва кенгайтиришга ёрдам беради, икки мамлакат халқларининг манфаатларига, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Н. В. Подгорний Германия Федератив Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги муносабати билан ГФР парламент аъзоларини табриклади.

Н. В. Подгорний Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилаётган музокаралар муваффақиятли тугалланади ва пухта Европа хавфсизлиги системаси ишлаб чиқилади, деб умид билдирди.

Н. В. Подгорний ГФР парламент делегациясининг СССРга қилган визитини табриклаб, Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун парламентларнинг алоқалари ижобий аҳамиятга эгалигини қайд этди.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номидан, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин номидан ва шахсан ўз номидан ГФР Президенти Г. Хайнеманга, ГФР Федерал канцлери В. Брандтга, ГФР халқига салом ва энг яхши истаклар топширди.

Суҳбат чоғида бундестаг ҳамма фракцияларининг вакиллари Москва шартномаси қоидаларини амалга оширишни, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни ёқлаб гапирдилар. Улар ГФР парламент делегациясининг СССРда бўлган чоғида ўт казилган учрашув ва суҳбатлар яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда фойдали бўлганлигини таъкидладилар. Парламент йўли билан алоқаларнинг кенгайтирилиши шу процессга шубҳасиз ёрдам бериш қайд этилди.

Суҳбатда Германия социал-демократик партияси фракциясининг раиси Герберт Венер, эркин демократик партия фракциясининг раиси Вольфганг Мишник, ХДС/ХСС фракцияси раисининг ўринбосари, ХСС ўлка группасининг раиси Рихард Штюклен ХДС/ХСС фракцияси раисининг ўринбосари доктор Рихард фон Вайцзеккер, шунингдек ГФРнинг СССРдаги элчиси Ульрих Зам қатнашдилар.

Совет томонидан — СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Советининг депутатлари Л. М. Замятин ва Т. Н. Николаева қатнашдилар. (ТАСС).

## ДОН ДАВЛАТГА

**Республика областларида маҳкамўҳорн дони ва шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган маҳкамўҳорн (топширишга нисбатан процент ҳисобида): учинчи стун — топширилган маҳкамўҳорн дони (топширишга нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи стун — топширилган шоли (топширишга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОШКЕНТ | 65,4 | 101,3 | 26,8 | 4,1 |
| СИРДАРЁ | 64,3 | 100,1 | 12,8 | 3,6 |
| СУРХОНДАРЁ | 87,8 | 100,0 | 42,1 | 40,4 |
| АНДИЖОН | 93,1 | 100,0 | 34,3 | 25,7 |
| Фарғона | 51,1 | 99,1 | 28,4 | 16,2 |
| Наманган | 70,8 | 93,3 | 33,8 | 27,4 |
| Самарқанд | 54,6 | 86,6 | 28,7 | 1,3 |
| Қашқадарё | 77,8 | 85,4 | планда белгиланмаган | |
| Бухоро | 69,2 | 78,7 | планда белгиланмаган | |
| Хоразм | 51,3 | 38,0 | 58,1 | 28,4 |
| ҚҚАССР | 57,1 | 21,9 | 23,8 | 25,5 |
| Республика бўйича: | 67,0 | 84,2 | 29,3 | 20,6 |

## ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

# КЎРИНГАН ТОҒНИНГ ЙИРОҒИ ЙЎҚ

ОЧЕРК

Еру кўк гулхандай ловуллаётган бир пайтда тутзор оралаб ўрта бўй, тўкис салобатли, қошлари мағрур чимирилган, кўзлари қийиқроқ, аммо маънодор боқувчи, рангпар юзлари лўппидай, қирқ беш ёшлар чамасидаги киши келарди. У ҳовуз лабига етганда оёқларини гурс-гурс уриб, брезент этигини қоқди. Сўнг хиёл ғубор қўнган оқ кителининг тугмаларини ечди-да, яғриндор кўксини шабадага тутди. Кулранг галифе шими чўнтагидан рўмолча олиб, бир оз елпинди-да бўйинларини артди.

— Иссиқ бугун чаккимас-а, Эшон ака? — деди у овозини баландроқ кўтариб.

Шийпондан сал нарида тоғдай қад кўтарган оппоқ пахта уюмига этагини ағдараётган қотмароқ, чўққи соқол, аммо абжиргина чол унга жавоб берди.

— Ҳа, исигани яхши-да, иним,— деди-ю, ҳовуз бўйи томон салмоқли қадам қўйиб келаверди. — Иссиқ пахтага мойдай ёқади. Унча тобига етмаган кўсакларни етилтиради. Буям омадимизнинг юргизидан, раис. Пахтамиз чунонам мўлки, териб улгуришга ақлим етмай қолган.

— Айтганингиз келсин! — Ҳузурли бир оҳ тортиб супа лабига ўтирди раис. Сийрак сочли бошидан чуст дўпписини олиб, шундоққина кўрпача устига қўйди.

Хирмон бошида куйманиб юрган оқ яктакли мўйсафид эса каттакон чойнак кўтариб, йўлма-йўл пиёлага чой қуйганча келарди:

— Манавуни шимириворинг, Эркинжон, юрак ҳовринг босади. Иссиқда яхшидан роҳатижон нарса борми!

Раис совуқ чойни қулт-қулт ютди-да, бўшаган пиёлани қайтараркан, иккинчи қўлининг кафти билан лабларини артди.

— Раҳмат, Усмонали ака, чойдай азиз, сувдай сероб бўлаверинг.

— Қуллуқ... Бу дейман, далада жа узоқ юриб қолдингиз, раис? Пахтамизни янги кўз билан чоғлаб кўрдингизми, қалай?

— Чакки эмас, — деди Эркинжон мамнун, ўтирган еридан кўкракдор, кенг далага қайта назар ташлаб, — Мукаррамнинг қишу баҳор куйиб-пишгани зое кетмабди.

— Ҳа, бояқиш, анча рўёбга чиқиб қолди дейверинг. Ўтган йили эсингиздами, бу маҳалги пахтасининг чўғи паст эди. Ҳа демай плэнини дўндириб қўядиган кўринади бу йил. Ҳар теримчи кунига икки юз эллик килоданни ўйнаб-ўйнаб териб қўйяпти. Мукаррамнинг бригадирликка тўғрисидан бери бунақа ҳосилни кўрмагандик. Ўзиям тоза тер тўкдию, бошқаларниям ишлатди-да асамат, эркагу аёл тиш-тирноғи билан ёпишган ҳозир теримга.

— Мажбуриятниям октябрнинг ўнига қолмай бажараман, — дейди гапга қўшилди Эшон ака. — 37 центнердан ваъда қилган эканман, қирқ бешни мўлжаллаб қолди энди.

— Ҳа, катта қадамга ўрганиб қолганлардан-да уям, чакана ишни ёмон кўради.

Улуғ Мукаррам Юсупов бошлиқ тўртинчи бригада дала шийпонида ўтиришарди. Ҳаммаёқ ёз тушса ялагудай топ-тоза. Ҳовуз теварагига сув сепилиб, гиламлар ташланган, кўрпачалар тўшалган, Шийпон деворлари мўл ҳосил учун курашга чақирувчи шиорли алвонлар, турли плакат, портретлар билан безатилган. Шийпон буючагидаги узун стол устида хилма-хил илмий-оммабоп, бадиий китоблар. Шийпон ёнидаги бостирма ичидан эса тушга тайёрланаётган овқатнинг иштаҳа очувчи, хушбўй ҳиди димоққа келиб уриларди.

Бу бригада ўтган йили 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан бердию, аммо планни бажариб қўйиб, мажбуриятга келганда хийла қийналди. Шундан бери раис бу ерга тез-тез келар, чигит ерга тушгандан тортиб, то ҳосилга киргунга қадар кўз-қулоқ бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турарди. «Мана бу йил бултургининг ҳиссасини чиқарадиган кўринади» — деган хулосага келди у, дала айланиб юраркан.

— Ҳосилимиз яхши, — деди у чолларга қараб, — Маманазар Кодиров билан Ҳамди Турсунов бригадаларида ҳам иш кўнгилдагидай. Улар ишни бошдан пишиқ қилишди-да. Агар шу кетишда охиригача жиловни қўлдан бермасак, 40-45 центнер ўрнига эллиқданга етказади. Иккови ўн бешинчи октябрга бажаришни мўлжаллаб турибди.

— Биздаям эрта-кечдан дефолация тугасин, раис, — деди Эшон ака, — механизаторлар бир от сурса бормй, ҳаммаёқни шипириб кетади-ю, қипялоғоч гўзапоянгиз қолади далада. Ўтган йили Мирзановвот Мамажонов деганимиз 112 тонна терганига колхозда биринчи ўринни олди, деб «Запорожец» машина билан мукофотлагандичиз, бу йил Эргаш Саидалиев, Фазлиддин Саксонбоевдакалар 250-300 тоннаданни мўлжал қилишган. Мукофотга машина етказолмай бошингиз қотармикин, дейман ҳали?

— Бе, гап мукофотдами, Эшон, — унинг сўзини бўлди Усмонали ака,—эли бойнинг—ўзи бой деганлар, эл-юрт тинч-омон, тўкин-сочин бўлса — шунинг ўзи сизу бизга мукофотмасми? Манз, ўзингиздан қиёс, бир кам етмишни уриб қўйибсизу, уйда оёқ-қўлингизни узатиб ётавермай, ҳа деганда далага йўрғалайсиз, буям элу юрт ишқида ёнганингиз эвазидан-да, ахир.

— Ҳа, энди... колхозниинг туз-ҳақини унутиб бўлади дейсизми? Манку ман, ўзингиз-чи? Аҳмадали акани айтмайсизми, хўроз қичқирмасдан эшик қоқадиган бўбсизлар. Пича ўхлашга қўймай «тур, тур, кун чиқмасдан бир, икки этак териб қўямиз» деб шошилганларинг шошилган.

— Шунақа-да, Эшон, лочин қанча баланд учмасин, ўз уясига интилади. Сизминан биззиям уямиз азалдан колхоз даласи-да, домига тортган-тортган. Ҳов ана, Аҳмадали акани чақиринг.

— Ҳов, Аҳмадали ака! — деб қўлини оғзига карнай қилиб чақирди Эшон ака, — ҳов асамат, бу ёққа келиб, бир паст ховур босди қилволинглар!

Эшон ака Жалилов, Усмонали Турсунов, Аҳмадали Жалилов, Акбарали Умаралиев — булар мазкур Чувринди қишлоғида янги ҳаёт учун босмачилар, ёт унсурларга қарши курашган, қақроқ ерларга сув чиқариб, оби ҳаёт йўлидз жон фидо қилган жуда кўпларнинг бир бўлаги. Улар болаликдан кўзи-қўйдай ғам бўлиб ўсишди. Бирга колхоз қуришди, катта Фарғона каналини барпо қилишда активлик кўрсатишди, бири раис, иккинчиси ҳосилот, учинчиси бригадир, мироблик қилиб, бутун умрларини коллектив хўжалик ишига бахш этишди. Ҳозир тўртовлари пенсияда. Лекин бир кун тер тўккан жойинг минг йил кўзингга ўтдек кўринади. Барчанинг ташвишию, қувончига шерик бўлиб, даладан кетгилари келмайди ҳеч.

— Ие, раис ўғлимиз келганмидилар? — деди мункайиброқ қолган, қотмагина Аҳмадали ака икки қўлини сўрашишга чўзиб. Кетма-кет келган Акбарака ҳам раис билан қуюқ сўрашга кетди.

Шундан кейин завқли ҳангома бошланди. Ҳар ким кеча қанча тергани, бугун шу пайтгача ундан қанча оширганини шавқ билан сўзлар, ҳазил-ҳузул, қариялларнинг ўзларига хос пайровлари уланиб борарди.

— Сўраганни айби йўқ, Акбар ака, — мурожаат қилди раис, — бу йил саксон учун урдингиз, чамамда?

— Йўғе, раис, — сакраб тушгандай бўлди чол, қўлидаги бўшаган пиёлани Эшон акага узата туриб, — унчалик қаритиб қўйманг, кирган бўлсам, энди саксондан икки ёш ошдим, холос. Бори-йўғи эндигина ўн бир фарзандга ота бўлибмиз. Учтаси колхозчи, саккизтаси механизатор, бўёғи ҳам параткаг

Ўтирганлар баравар кулиб юборишди. Раис яна сўради:

— Кампир-чи?

— Кампирим ҳам жойида. Аммо лекин бир жойда ҳеч қўнимни йўқ. Кунда саҳарлаб, дам у қизиникига, дам бу қизиникига йўрғалайди.

Орага Эшон ака гап суқди:

— Рост, Акбаракамми аёллари шаклу шамойилда сахт-сумбатда манман деган қиздан қолишмайди ҳали.

Гапни Аҳмадали ака илиб кетди:

— Акбар ака аёлимга бегонанинг кўзи тегмасин деб, соч попуск ўрнига сатта қўш тумор тақдириб юрарла...

— Ҳа, ҳаммаси параткаг — деди Акбар ака яна, бошқаларнинг кулгисидан завқланиб.

Қийқирик устига қийқирик кўтарилди. Аҳмад ака бор-йўғи иккитагина курак тишини кўрсатиб кулар, Эшон аканинг кўзлари юмилиб, юзлари туршакдай буришиб кетар, Турсунали ака эса оғзини карнайдай очиб узоқ-узоқ қотиб турарди-да кейин ёпилгач, лабларини чапиллатиб қўярди. Чордона қуриб ўлтирган раис эса икки букилиб қолар, икки қўлини тиззалари кўзига уриб-уриб қиқирлашдан ўзини тутолмасди.

— Кўш тумор ҳам гапми, — энтикиб-энтикиб давом этди Аҳмадали ака, — Акбар акамни ҳар якшанба бозор тушиб, шойи белбоғни қора кишмишминан парвардага тўлдиради, кунжут хопва тополмаса, камёб шокалад-пакалад, тутмайиз ўрнига қовурма магиз қилиб, ёнига муаттар бўйли атир совундан қўшиб уйга чопишларини кўрсенгиз.

— Нима қипти, гулни севган тиконинням севади-да, ошиқ жонтат қилмай муродига етармй? — деди Эшон ака.

Турсунали ака ҳам Акбар акасининг гапириш усулига ишора қилди:

— Ҳа, бу чоли тушмагур ҳам жа интерес қариди-да!..

Эркинжон одамларда шунчалик кўтаринки рух, шоду хуррамликни кўрса қувониб кетарди. Бу қувонч унинг ғайратига-ғайрат, меҳнатга иштиёқини яна оширар, чаҳчағини ёйдирарди. Ҳар куни дала айланарқан, колхознинг уч минг олти юзга яқин аъзоси — ёшу қари дарёдай қайнаб пахтазор томон оқиб, меҳнат қўйнига шўнғиганини кўрар, куннинг исиғию, қуёш сели уларнинг шаштига тов бўлолмаслигини ҳис қиларди. Шундай паллада унинг чеҳрасига қараган киши кўзларида порлаган шуъладай нимадир яшнаб турганини кўриши мумкин. Қаёққа қараманг, қўшиқ гирдоби чарх урар, кулгилар сурони теварак, поёнсиз далалар узра оқиб юрарди. Дефолиациядан чиққан ерларда «зангори кемалар» сузар, қордай оппоқ пахталар эса сеҳрлангандай ўзидан ўзи шпинделларга илэшиб, бункерларга отилиб тушар, хирмонларда эса соат сайин кумуш барханлар қад кўтараверарди.

Эркинжон дилкаш, шинаванда чолларнинг ширин суҳбатига қэниб, ҳордиқ олгандан кейин ўрнидан турдию, хайрлашиб, шийпон ёнига келиб тўхтаган «Газик»га томон юрди.

— Овқат тайёр бўлиб қолди, тушлик қилиб кетинг, раис, — деди Усмонали ака унинг гараддудини кўриб.

— Баҳузур ўтираверинглар. Мирзановвотнинг бригадасига ҳам ўтишим керак. Тушдан кейин Тошкентдан меҳмонлар келадиган. Дала айлантириб, хўжалигимизни таништирмоқчимен.

— Ҳўп раисимиз бор-да, — деди Эшон ака, уни кузатиб келиб,— эртадан кечгача айланади. Агрегатларни бирма-бир кўздан кечиради. Бир ишкаллик чиқиб қолмасин дейди шекилли, бояқиш, эл тинар, қуш тинар — бунда тиним йўқ, ҳеч!

— Отасининг боласи-да, — гап қўшди Аҳмедали ака, — эсингиздами, Бузрукхўжаям исполкомлик пайтида тиним нималигини билмасди.

Эркинжон Усмонхўжаевни Бағдод район «Большевик» колхозига раисликка сайлаганларида эндигина ўн саккиз баҳорни кўрган эди. Ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлиб, астойдил ишга киришди у. Ўша маҳаллар колхознинг бор-йўғи 360 гектар ери бўлиб, бир юз ўндан ортмаган хонадонга эга эди. Йилига аранг саккиз центнердан ҳосил ундирардилар. Эркинжон ишни Сариқўрғон чўлидан ер юлиб олиб, уни ўзлаштириш билан фаолиятини бошлади. Чўлнинг 900 гектарига сув чиқариб, унумдор ер ҳосил қилди. Шу тариқа ҳосилни оширib, йилига 21, ундан кейин 24-25 центнердан пахта ундирадиган бўлди. Колхоз ери 1450 гектарга етганда гектаридан 30 центнерданга эришилди. Даромад ошди. Қишлоқ қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди.

— 1775 хонадонга эгамиз ҳозир, — дейди Эркинжон фахр билан — бари билимдон, техтачилик илмини сувдай ичиб юборган, ўтган мавсумда гектаридан 30,6 центнердан ҳосил олгандик. Бу йил 35 ни мўлжал қилиб турибмиз.

Раис меҳмонлар тушган «Газик»ни ўзи ҳайдаб борар, йўл-йўлакай атрофга сордай сергаклик билан кўз ташлар экан, пахта майдонлари ҳам уни бутун улканлиги, кенглиги, салобати ва гўзаллиги билан қаршн олаётгандай эди.

Машина мевалари ғарқ пишган дарахтлар пахса девоплар оша шоҳ ташлаб турган боғ кўчалаю, жийдазорлардан ўтиб борарди. Бир маҳал ярқ этиб олдинда бэпоён тошлоқ қаршилади уларни.

— Сариқўрғон деганимиз мана шу! — деди раис, бир нафас машинани тўхтатиб. — Ҳар бир тош ёзда чўғга айланади, қуш қўнса — жишга...

— Бунақа жойда бир нима унишига ақлинг бовар қилмайди-ку!

— Тўғри айтасиз, аммо қаловини топса — қор ёнар экан. Биз узундан-узоқ ариқлар қазиб, сув чиқардик. Сув ёйилгач, тошлар икки йил ичида ер қаърига чўкиб кетади-ю, ўрнига унумдор соз тупроқ қалқиб чиқаверади. Ана шу тупроққа нима эксак, олтин бўлиб унаяпти. Ҳув ана, кўрмаяпсизми?

Ҳақиқатан ҳам тошлоқ дашт ичига кирганингиз сари унинг сир-асрори ошкор бўлаверарди. Тог-тог уюб қўйилган қизил пиёзлар олисдан оловранг эҳромларга ўхшаб кетарди. Бу ерлар ҳам одамлардан ҳоли эмас. Пиёзсоодан ўтиб, сал юришингиз билан бетон канал орқали ўн тегирмон сув ҳайқириб оқмоқда. Бу сув суткасига салкам йигирма гектар ерга ҳаёт бахш этиб туради.

— 1962 йили юз гектарга боғ қилган эдик, — ҳикоясида давом этди раис, — ҳосили чунонам бўляптики, шохини кўтаролмай қолади баъзан, мевалари шарбатга тенг.

— Пахтаси-чи?

— Сўраманг, барибир айтсам ишонмайсиз... Мана бу йил пиёз экдик-а? Янаги йилга бедз аралаштириб маккажўхори экамиз, учинчи йилга бориб пахта... Ўшанда келинг, ҳайратдан ёқа ушламасангиз мен кафил!

Эркинжоннинг айтишича, Сариқўрғонда яна минг гектар ерни ўзлаштириб, пахта ундиоишармиш. Ўшанда колхознинг бу йил бераднган олти минг тоннаси ўрнига ҳосилларн саккиз ярим тоннаданга тўғри келармиш.

— Кўринган тоғнинг йироғи йўқ, дейди Эркинжон Усмонхўжаев, — мени айтди дейсиз-ку, икки уч йил ичида Сариқўрғон деган даштдан ном-нишон қолмайди.

У бу гапларни ишонч билан айтди. Сиз ҳам ишонмай иложингиз йўқ. Ҳа, бу ернинг одамлари шунақа!

**Адҳам ҲАМДАМ,**
**Зоҳиджон ОБИДОВ,**
**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.**

## ХУШ ХАБАРЛАР

САНОАТ, ҚУРИЛИШ.

### СОВҒА

**Гўзал Тошкентимизнинг ҳусни-жамоли кун сайин очилиб бормоқда. Осмонўпар бинолар шаҳар кўркига-кўрк қўшяпти. Қўли гул бинокорлар томонидан қурилаётган уй-жой биноларига пойтахт аҳолиси кўчиб кириб, ҳовли тўйлари ўтказяптилар.**

**Бундай янги уй-жой биноларини қуришда «Средазтранcsтрой» трестининг 209-қурилиш бошқармасига қарашли коммунист Эшмурод Юлдашев бошлиқ бригада коллективи астойдил меҳнат қилишяпти.**

**Коммунистик меҳнат бригадаси бунёдкорлари шу кунларда Ново Полтарацкий кўчасида 56 квартирали тўрт қаватли уй-жой биносини қурмоқдалар. Злобин методи асосида ишлаётган қурувчилар қисқа муддат ичида пишиқ ғиштдан қурилаётган биноларнинг уч қаватини тиклаб бўлдилар.**

**Бригадамиз коллективи — дейди Э. Юлдашев, — Улуғ Октябрь байрамига муносиб совға билан боради. Яқин кунлар ичида Рисивий кўчасидаги 66 квартирали уй-жой биносини ҳам фойдаланишга топширамиз. Ҳозир ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, ойлик планларни 140-150 процентга етказиб адо этяпмиз. Таскира Нафиқова, Эрпўлат Абдураҳмонов, Инсоф Раҳимжонов, Сулаймон Лутфолин каби қурувчилар меҳнатда барчага ўрнак бўлишяпти.**

**И. РУСТАМОВ,**
**Ф. ИСАЕВ.**

### КОРХОНА ИЛҒОРЛАРИ

**— Биласанми, нима сабабдан биз авваллари планни кўпинча бажаролмай юрардик? — Зайтун Гайнулин ҳамкасби Собир Абдураҳмоновдан сўраб қолди.**

**— Хўш, нега?**

**— Илгари бригадамизда олти киши ишлар эди. Ҳозир эса икки ишчи. Бироқ бажариладнган иш ҳажми аввалгидан кам эмас. Ҳар бир ишчи планни ошириб бажаришга эришяпти.**

**— Тўғри айтасан, — деди Собир суҳбатдошининг фикрига қўшилиб. — Деталл тайёрлаш усулларини ҳам анча такомиллаштирдик. Бир вақтнинг ўзида битта ўрнига учта деталь тайёрланяпти...**

**Бу икки дўст ва икки ҳамкасаба Тошкентдаги «Ўзбексельмаш» заводининг 3-цехида меҳнат қилишади. Улар шу кунларда беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига иш бажараётир. Бундай меҳнатсевар, ишлаб чиқариш жонкуярлари корхонада кўп.**

**Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ.**
**М. ДАВРОНОВ.**

*Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги*

# МАККАЖЎХОРИ ЎРИМИНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК

Республика колхоз ва совхозлари 1 октябрга қадар дон учун экилган 46,9 минг гектар майдоннинг маккажўхорисини ўриб-йиғиб олдилар. Ҳар гектардан ўртача 56 центнердан дон олинди. Ялпи ҳосил 264,6 минг тоннани ташкил этди. Бундай улкан мўккажўхори хирмони республикада шу вақтгача бўлган эмасди. Бу эса давлатга маккажўхори дони сотиш бўйича белгиланган план ва топшириқни оширib бажариш имкониятини беради.

Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари маккажўхори дони топшириш бўйича зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Октябрь ойи бошланди. Бироқ Фарғона, Хоразм, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССРда дон учун ажратилган маккажўхорининг 40 процентдан кўпроғи шу кунга қадар ўриб олинмаётир. Гагарин, Шўрчи, Гурлан, Хева, Урганч, Шовот, Ондарё, Нарпай, Самарқанд, Ургут, Пайариқ, Тошлоқ, Фрунзе, Фарғона, Охунбобоев, Риштон, Свердлов, Ғиждувон, Қорақўл, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ, Чироқчи, Қамаши, Қарши, Тўрткўл, Нукус районларида ҳам дон учун ажратилган маккажўхорини ўриб-йиғиб олишдек муҳим иш кечиктирилмоқда. Озуқа-ем балансини тўлдиришда маккажўхори дони муҳим роль ўйнайди. Лекин шунга қарамай юқоридаги районларнинг кўпгина хўжаликларида донга экилган маккажўхорини силос учун ўриб юбориш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Шу билан бир қаторда Булунғур, Октябрь Ульянов, Қамаши, Олтиариқ, Фарғона, Қизилтепа ва бошқа бир қатор районларда дон учун ажратилган маккажўхори майдонларидан кам ҳосил олинди. Бу эса маккажўхори парваришини бўшаштириб юборилганлиги, агротехника қоидаларига риоя қилинмаганлиги ва ўрим-йиғимга ўз вақтида киришилмаганлигининг белгисидир.

Дон учун экилган маккажўхори ўрим-йиғимини қисқа муддатларда тугаллаш, бу борада белгиланган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш ва чорвачилик учун муҳим бўлган озуқани янада кўпайтириш учун ҳамма имкониятларни ишга солиш даркор.

Баъзи жойларда хўжаликлар ва районларнинг раҳбарлари давлатга маккажўхори дони етказиб беришдек муҳим топшириқнинг бажарилишига масъулиятсизлик билан қараб келдилар. Дўстлик, Пахтакор, Охунбобоев, Қувасой, Фарғона, Янгиқўрғон, Пахтачи, Хатирчи, Жомбой, Қизилтепа, Свердлов, Чироқчи, Яккабоғ, Косон, Қарши, Қўшкўпир, Гурлан, Боғот, Тахтакўпир, Амударё ва Қорақалпоғистон АССРнинг бошқа бир қатор районлари ҳамда Хоразм, Қашқадарё, Бухоро областларининг колхоз ва совхозлари давлатга маккажўхори дони сотиш йиллик планларини анча кам бажардилар. Бу хўжаликларда ўтган ўн кунликда ҳам маккажўхори дони топширишда ўзгариш бўлмади.

Юқоридаги область ва районларнинг партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг шу кундаги муҳим вазифаларидан бири — маккажўхори дони етиштиришдаги қолоқликка барҳам бериш, етиштирилган ҳосилни тезда ўриб-йиғиб олиб, белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришдир.

Айни пайтда силос учун мўлжалланган маккажўхори ўримини ҳам сира кечиктирмаслик лозим. Бухоро, Фарғона, Хоразм областларида силос учун мўлжалланган маккажўхорининг учдан бир қисми. Самарқанд областида эса тўртдан бир қисми ўрилмай турибди. Бу муҳим ишда Қорақалпоғистон Автоном республикаси аҳлиқа орқада қолаётир. Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра Самарқанд область да планга нисбатан силос боғлаш — 63,9, Бухоро областида — 63,1, Фарғона областида — 67,1 процент бажарилган, холос.

Бу йил республикада маккажўхори, лавлаги ва бошқа турли озуқабоп экинлар ҳосили мўл бўлди. Далаларимизда мўл ҳосилнинг тақдири ҳал бўлмоқда. Озуқабоп экинларни тезроқ йиғиб-териб олишга алоҳида эътибор қилиш лозим. Меҳнатни уюшқоқлик билан ташкил этиб, мавжуд техникадан шофёрлар ва механизаторлар билан фойдаланиб, озуқабоп экинларнинг етиштирилган мўл ҳосилини тезлик йиғиб-териб олиш ва давлатга дон топшириш ҳамда жамоат чорваси учун мўл озуқа жамғаришга эришайлик. Чорва озуқасининг мўл-кўллиги — қаҳратон қишнинг хатарсиз ўтишини таъминлашлигини унутмайлик!

**ШАҲРИСАБЗ районидаги Калинин номли колхозда кўпининг килограмм чилар мусобақасида Ҳалим Каримов бошлиқ бригаданинг чевар теримчи си Сайёра Абдуллаева байроқдор бўлаётир. У мавсумда 15 минг тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилиб, кунига колхоз хирмонига 180-200 килограммдан дурдона тўкаётир. Суратда: илғор теримчи Сайёра Абдуллаева.**

Э. Суяров фотоси.



## ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ МУҲИМ УЧАСТКАСИ

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Партия ташкилотлари қаердаки физкультура ва спорт ишларига эътиборни кучайтираётган бўлса, ана шу ерда кишилар жисмоний чиниқмоқда, уларнинг ишлаб чиқаришдаги меҳнати унумли бўлмоқда, ўқишда яхши натижаларга эришилаяпти. Бизнинг мамлакатимизда ёши ва касбидан қатъий назар ҳар бир киши спорт билан шуғулланиши учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Бундан икки йилча аввал Андижон областида спорт ишларининг унча қониқарли эмаслиги мутлақо ҳаққоний танқид қилинган эди. Чунки республика XV спартакиадасида область спортчилари мукофотли учинчи ўринни тарк этиб, жадвалнинг охирига тушиб кетдилар, умумкоманда ҳисобида еттинчи ўрин билан кифояландилар. Областда физкультура ишларининг бунчалик бўшашиб кетганлигига бир қанча сабаблар бўлиб, улардан энг муҳими партия ташкилотлари физкультурачилик ҳаракатига унча эътибор бермай қўйганликлари эди.

Область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Красниковнинг мана бу мулоҳазасини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

— Биз спортга, физкультура коллективлари ишига раҳбарликни унутиб қўйган эдик, дея олмаймиз. Партия ташкилотлари ва корхоналар, колхозлар, совхозлар, ўқув юртларининг раҳбарлари бу давр ичида бир қатор тадбирларни амалга оширдилар, ишларнинг юришиб кетишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилдилар, уларнинг ижроси учун курашдилар, физкультура ва спортнинг ривожланишига ёрдам берадиган кенг истиқбол планларини ишлаб чиқдилар. Бироқ, бундай планлар ва тадбирларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетганлиги, уларни амалга ошириш учун астойдил курашилмаганлиги спорт ишларида сусайиш вужудга келишига олиб келди.

Физкультура ва спорт масаласини обкомнинг кун тартибига қўйишга қарор қилдик. Бу билан область партия комитети баъзи партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари эътиборини физкультура-спорт ишларига қаратмоқчи бўлди. Чунки улар ёшларнинг соғлом ҳаёти, мирқиқ дам олишини таъминлайдиган спорт ишларига хўжалик масалаларидаги сингари масъулият сезмай қўйгандилар.

Ишимиз тезда юришиб кета қолмади. Спортни унча хуш кўрмайдиган, партиявий ҳамда хўжалик ишлари билан бандликларини рўкач қиладиган раҳбарлар учраб турди. Область партия комитетининг масалани қаттиқ қилиб қўйиши натижасида бундай кайфиятлар бартараф қилинди. Бора-бора спортни хуш кўрмайдиган ўша раҳбарлар ҳам физкультурачилик ҳаракатини кенгайтириш тараддудига тушиб қолдилар. Ишда силжиш сезила бориб, физкультура-спорт коллективлари маҳоратида қувонтирувчи натижалар кўриниб борди. Оқибатда бу йил республика ёшларининг спорт ўйинлари мусобақаларида областимиз ўзининг олдинги умумкоманда ҳисобидаги ўнинчи ўрнини қайтариб олди.

Обком секретарининг ана шу мулоҳазаларига қараб партия ташкилотлари физкультура-спортга умумпартиявий ва умумдавлат ишининг бошқа жабҳаларидаги сингари раҳбарлик қилганликларини пайқаш қийин эмас. Бу ўринда Қўқон шаҳрини эсга олиб ўтишга тўғри келади. Республикамизнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Қўқонда спорт ишларига эътибор сусайтириб юборилган. Республика терма командаларидагина эмас, балки Фарғона область командасида ҳам Қўқондан етишиб чиққан маҳоратли спортчининг номини учратиш қийин эди. Қўқонликлар бунинг сабабини шаҳарда спорт базалари йўқлигидан деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам шаҳарда биргина типовой стадион бор. У ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Машқ машғулотлари ўтказиш учун имконият йўқ. Стадион ўн йилчадан бери шу аҳволда эди.

Қўқон шаҳрининг спорт масаласи область партия комитетида қаттиқ танқид қилинганидан кейин стадион тартибга келтирилди. Бунинг учун озгина вақт ва унча кўп бўлмаган маблағнинг ўзигина етарли экан. Бу ишни уч-тўрт ойда шаҳар корхоналари кучи билан амалга ошириш мумкин бўлди. Ангрен шаҳар партия комитети ҳам спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга астойдил киришди. Қисқа вақт ичида яхшисослашган қатор спорт заллари вужудга келтирилди. Бу залларда боксчилар, курашчилар, штангачилар, шахматчилар, стол тенниси ихлосмандлари ва спортнинг бошқа турларига ҳавас қўйган ёшлар шуғулланишмоқда. Спорт базаларини вужудга келтиришда шаҳар корхоналари ташаббускор бўлиб чиқдилар.

Чирчиқ, Навоий, Ленинск, Фарғона шаҳарлари, Оққўрғон, Шофиркон, Нарпай, Боғот районларининг партия ҳамда совет ташкилотлари ҳам физкультура-спортни ривожлантиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Чирчиқ ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати маъмурияти ва партия ташкилотининг ташаббуси эътиборга лойиқ.

Фарғона сунъий тола заводи коллективида анча ибратли ишлар қилинаяпти. Бу ерда: «Кишилар саломатлиги — корхонанинг олтин фонди» деган шиор ҳукмрон. Корхона раҳбарлари ва партия ташкилоти кишилар соғлиғи учун, физкультура ва спортнинг ривожланиши учун зарур шароитларни яратиб бермоқдалар. Бу ерда ГТО янги комплекси нормативларининг бажарилишига корхона директори Муҳамедов, партия комитетининг секретари Панин ўртоқларнинг ўзлари раҳбарлик қилмоқдалар. ГТО нормативларини топшириш цехлар социалистик мусобақаси шартларида кўзда тутилган.

Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз правленнеси, партия ташкилоти ҳам меҳнаткашларнинг саломатлиги йўлида ҳеч нарсани аямаётир. Ордендор бу колхоз хўжалигининг кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб, ривожланиб бораётганлигида 600 спортчининг муносиб ҳиссаси бор. Бу ердагилар спорт меҳнатга ҳамдам эканлигини жуда яхши англайдилар. Шунинг учун ҳам колхозда спортчилар ва физкультурачилар сафи кенгайиб бораяпти. Колхоз қишлоғида стадион барпо қилинган. Икки спорт зали мавжуд.

Ана шу мисолларнинг ўзи кўрсатиб турибдики, физкультурачилик ҳаракатини яна ҳам кенгайтириш учун, спорт соҳасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун корхоналар, хўжаликлар ва муассасаларнинг раҳбарлари партия ташкилотлари билан биргаликда доимий иш олиб боришлари зарур. Лекин спортга етарлича эътибор бермайдиган корхона раҳбарлари республика пойтахтининг ўзида ҳам учрайди. Тошкентдаги «Миконд», электрон техника, экскаватор, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик машинасозлиги, кабель заводлари каби корхоналарда спорт базалари у ёқда турсин, оддийгина спорт майдонлари ҳам йўқ.

Самарқанд область партия ташкилоти физкультурачилик ҳаракатини ривожлантириш масалалари билан астойдил шуғулланмоқда. Партия-хўжалик активи йиғилишларида спорт масалалари муҳокама қилиб турилади.

Республикамиздаги физкультура ва спортнинг бугунги аҳволи партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарларидан совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим участкаси бўлган физкультурачилик ҳаракатига раҳбарликни тубдан яхшилашни тақозо этади.

## Ўзбекистон Ахборот

МУХБИРЛАРИМИЗДАН

### ГЕОЛОГЛАР ЗАФАРИ

«Қаршинефтегазразведка» трестига қарашли Косон нефть ва газ қидирув экспедициясининг А. Тилаков бошлиқ пармаловчилар бригадаси коллективи ер ости бойликлари запасларини қидириб топишда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планини бригада коллективи муддатидан тўрт ой илгари бажарди. Бригаданинг С. Эргашев, П. Холмирзаев каби шижоаткор пармаловчилари баракали меҳнат қилишяпти. Улар янги-янги конларнинг кўзини очишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

П. ГАДОЕВ.

### БУЛУНҒУР СОҲИБКОРЛАРИ

Самарқанд областида етиштирилган узум ҳосилининг учдан иккиқисмидан кўпрогини Булунғур райони беради. Бу ерда узумчиликка ихтисослаштирилган бир неча йирик совхоз бор. Шулардан бири 1-«Булунғур» совхози. Совхоз соҳибкорлари узум ҳосилини йиғиб олишга барвақт киришдилар. Ҳозир қабул пунктларига салкам 5 минг тонна ширин-шакар узум жўнатилди. Иркутск, Братск шаҳарлари ва Узоқ Шарқдаги саноат шаҳарларига 2500 тонна ўрнига 2700 тонна узум жўнатилди.

Л. ЭРГАШЕВ.

### АВТОМАТЛАР ТИЛГА КИРДИ

Нўкус шаҳар алоқа узели ходимлари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиламоқдалар. Шу мақсадда шаҳарлараро телефон станциясига автомат телефон ўрнатилди. Энди нукусликлар навбат кутмай Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Андижон, Термиз, Қўқон, Қизил Ўрда шаҳарлари билан истаган пайтда сўзлашиш имкониятига эга бўлдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

# ДЎРМОН УЗУМИ

«Қизил Ўзбекистон» колхози азалдан боғдорчилик билан машҳур, айниқса поёнсиз токзорларда товланиб турган «Каттэқўрғони», «Тонфи», «Нимранг» узумларини айтмайсизми, кўрган кўз қувонади, шираси тилни ёради. Тошкент — Чирчиқ маршрути бўйича қатнаётган йўловчилар Дўрмонга етганларида бехиётёр кўзларини ишкомларга тараб қўйилган токларга тикади. Бу бежиз эмас, албатта. Шохларда осилиб ётган рангпар узумлар киши диққатини ўзига тортади. Мутахассисларнинг таърифича, токзорларда узумнинг элликдан ортиқ хили ўстириляпти.

— Ҳосилдорлик қандай? — сўрадик боғ айланар экамиз, колхоз бош агрономи Муҳаммаджон Болтабоевдан.

— Нима десам экан, — кулиб жавоб қилди у, — ҳосилдорликда район бўйича биринчи ўриндамиз. Ҳар бош узум бир ўтришда беш-олти киши тўядиган даражада тош босяпти. Рангини айтмайсизми, ҳақиққа ўхшайди, шингилга қўл уришга юрак дов бермайди.

Бош агроном бу йил хўжаликда узумдан юқори ҳосил олинаётгани ҳақида сўзлаб берди. Давлатга узум сотиш плани 126 процент бажарилибди. Колхозчи узумчилик цехида 250 тонна сершира маҳсулот қайта ишланибди. Бош агрономнинг фикрича, Турсунбой Толипов бошчилик қилаётган бригада аъзолари рекорд ҳосил етиштириб, ақл бовар қилмайдиган хирмон кўтарди. Давлатга узум сотиш плани 200 процентдан оширib адо этилди.

УЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Колхоз мевали олмазор боғининг 610 гектаридан 2100 тонна хирмон кўтариш кўзда тутилган эди. Шуниси қувончлики, эртаги ва ўртаги ҳосилнинг ўзидан деярли шунча хирмон кўтарилди. Токзори эса 66 гектар. Кечки узумга ҳали қўл урилгани йўқ.

— Хўжалигимиз бўйича ҳар куни танёрлов пунктига 70 машина юк жўнатяпмиз, — дейди бригадир, — лекин узумга ҳали қўл урилмаганга ўхшайди. Ёшингарчиликлар бошлангунча узумни йиғиб-териб олиш, социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун курашяпмиз. Бу йил аҳолига ўтган йилдагидан икки ярим баравар кўп узум етказиб берамиз. Сўнгра токларни кесиб, кўмишга тайёрлаймиз.

Токзор оралаб борарканмиз, ранг-баранг ҳосил нишоналари товланиб турган олмазордан чиқдик. Ҳар олмаки, бир донасини еган киши ойлаб мазасини унутмайди. Чиройли, бежирим, ширали, бунинг устига ҳар шохда ширғил-ширғил ҳосил!

Колхоз бу йил Москва, Ленинград шаҳарлари ишчи-хизматчиларига, Сибирь ғаллакорлари, Узоқ Шарқ балиқчилари ва бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашларига неча юз тонналаб олма жўнатади. 500 тонна олма эса цехда қайта ишланиб, мураббоси олинади ва «Ўртоқ» кондитер фабрикасига юборилади.

Колхозда ўзининг ҳалол меҳнати билан шуҳрат тараtиб келаётган боғбон-соҳибкорлар сафи йилсайин кенгаймоқда. Улар дала ишларини механизациялаш, узум ва олманинг янги тезпишар, турли об-ҳаво ва иқлим шароитига чидамли навларини яратишда катта ишлар олиб бормоқдалар. Улар орасида Қорабой Акбаров, Турсуной Сафарова каби илғор кишиларни кўрамиз. Шуниси характерлики, бу миришкор боғбон-соҳибкорлар олма ва узумнинг қишга чидамли навларидан иложи борича кўпроқ ҳосил олишга аҳд қилдилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
Оржоникидзе райони.



Ғўчага гул солиш—ҳар кишининг қўлидан келаверадиган иш эмас. Неъмат Иброҳимовнинг ота-боболари шу касб билан тирикчилик қилишган. Неъмат Иброҳимов эса бу мураккаб касбни эгаллаб довруғ таратмоқда, эл ҳурматига сазовор бўляпти. Унинг қандай уста эканлигини билмоқчи бўлсангиз Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейига, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига, «Россия» меҳмонхонасига, Шастри номли кутубхонага боринг. Бу иморатларда унинг ёғочга ўйиб ифодалаган санъати билан танишасиз. Халқ ҳунармандчилигига оид унинг ишлари Ҳамза номли республика давлат мукофотига тақдим қилинди. Суратда: уста Н. Иброҳимов ўғли Ҳикмат билан. Чапда эса унинг ёғочга ўйиб солган санъатидан намуна.

А. Усмонов ва А. Авазов фотоси (ЎзТАГ).

## Спорт янгиликлари

### ТОШКЕНТЛИКЛАР БИРИНЧИ

Уч кун қизғин давом этган Ўзбекистон ўқувчилари республика XXIII спартакиадасининг финал мусобақалари ниҳоясига етди. Шу муносабат билан 28 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мажлислар залида спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Спартакиада чемпионлари, мусобақаларда муваффақиятли қатнашган терма командалар ҳамда фахрий ўчликка кирган ғолиблар олқишланди.

Шундан кейин спартакиаданинг бош судьяси, республикада хизмат кўрсатган тренер Л. Боград мусобақаларнинг яхши ўтишига қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги учун пойтахт спорт базалари вакилларига ташкилий комитет ва кўп сонли ёш спортчилар номидан қизғин миннатдорчилик билдирди.

Фахрий ўринлар учун қизғин курашлар ортда қолди. Бу синовларда кимлар ғолиблик нашъасини сурди-ю, кимлар ўз имкониятларини ишга сололмади? Дадил айтиш керакки, Тошкент шаҳар командаси вакиллари спортнинг деярли барча турлари бўйича ҳам жисмонан, ҳам техник пухта тайёргарлиқ кўрганликларини намойиш қилишди. Тошкентликлар спортнинг баскетбол, волейбол, гимнастика мажбурий машқи, эркин кураш, шахмат ва бошқа турлари бўйича рақиблари устидан катта устунликка эришдилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, командалараро футбол, волейбол ўйинларида йирик ҳисоблар, баскетболда эса жуда кам очколар қайд қилинганлиги мазкур мусобақалар имкониятлар савиясида ўтмаганлигидан далолат берди.

Ўтмиш олганда, ўқувчилар спартакиадаси ёш спортчиларни жисмоний кўрикдан ўтказди. Ўқувчиларнинг келгуси йили Олмаотада бўладиган Бутуниттифоқ XIII спартакиадасига номзодлар танланди.

Спартакиадада юзлаб ёш спортчилар разряд нормативларини бажаришди. СССР спорт мастерлари, мастерликка номзодлар сафи янада кенгайди.

Спартакиаданинг умумкоманда беллашувларида Тошкент шаҳар спорт коллективлари энг кучли, деб тан олинди. Иккинчи ўринни пойтахт области коллективи ва учинчи ўринни эса фарғоналик ёшлар эгаллашди.

Тантанали маросим охирида Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари ўртоқ С. Романов ғолибларга фахрий ёрлиқлар, министрликнинг эсдалик кубоклари ва совриларини топширди.

А. МАННОПОВ.

### Конгрессга бағишланган рекорд

Болгария Халқ Республикасининг Варна шаҳрида X олимпиада конгресси иш бошлади. Конгресс бошланишидан олдин Варнада барпо қилинган Юрий Гагарин номли янги стадионга жаҳоннинг турли қитъаларидан анчагина спортчилар тўпланишди. Бу ерда одатдан ташқари ўртоқлик учрашувлари бўлиб, атлетикачилар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Спортчилар бу галги ўз ютуқларини олимпиада конгрессига бағишладилар. Ядро иргитиш мусобақаларида машҳур совет спортчиси Надежда Чижова катта муваффақият қозонди. У охирги уринишда ядрони 21 метр 43 сантиметр масофага улоқтирди. Бу янги жаҳон рекорди ҳисобга олинди. Совет спортчиси ўзининг бу ғалабасини олимпиада конгрессига бағишлади. Тўпланган спортчилар ва кенг жамоатчилик Надежда Чижовани катта муваффақияти билан қизғин қутлади.

## Реклама ва эълонлар

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30—ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Халқ контроли экрани. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — МОСКВА. «Вақт». 22.00 — Футбол: «СЛАВИЯ» (София) — «ДИНАМО» (Тбилиси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 13.35 — Янгиликлар. 12.45 — Концерт. 16.15 — Ўқув кўрсатуви. 17.20 — Янгиликлар. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — Адабий ўқиш. 18.30 — Концерт. 19.20 — Баскетбол: СССР — РУМИНИЯ. 20.00 — Артистлар, артистлар. 21.30 — ТОШКЕНТ. «ЗЕҲН». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатувлари. 20.30 — Иркутск воқеаси (телеспектакль).

### ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/Х да Қонли тўй, 4/Х да Менинг жаннатим, 5/Х да Хотинимнинг эри (кеч соат 7 яримда).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да Беш кунлик куёв, 4/Х да Қачонгача мой ейсан, 5—6/Х да Беш кунлик куёв (кеч соат 7 яримда бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ЎРГАТИЛГАН АНИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ (кеч соат 7 яримда); (шанба кунлари — кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва 7 яримда).

### КИНО

Қулфсиз эшик — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). ҲАМЗА номли (тоқ соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Тартиб учун қилинган жиноят— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (2 серия ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Мени ҳали кўрасиз (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00). Хонимлар ва жаноблар (20.00, 21.45): — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Угай она — «ЧАЙКА» (тоқ соатларда).

Привалов миллионлари (2 серия) — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Робинзон Крузонинг ҳайти ва ажойиб саргузашти (жуфт соатларда). Тузалмас одам (тоқ соатларда): — «ДРУЖБА».

Сангам — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Қора бўри — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

БАХТЛИ РАҚАМЛАР



6, 8, 11, 21, 25, 28

УФА шаҳрида 30 сентябрда ўтказилган «СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида юқоридаги рақамларга ютуқ чиқди.

«Главташкентстрой»нинг «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИ ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда экскаватор ва бульдозер машинистларини тайёрлайдиган КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати—3 ой.

Ойига 60 сўм миқдорида стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси, 49-уй, кадрлар бўлими.

ҲАР БИР МЕҲНАТКАШ ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН ИШ ҲАҚИДАН ПУЛНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИГА ЎТКАЗИШИ МУМКИН.




Бунинг учун иш жойидаги бухгалтерияга ариза ёзиб бериш керак.

Омонат кассалардаги пуллардан пул ўтказиш йўли билан квартира, электроэнергия, телефон ва бошқалар учун ҳақ тўлаш мумкин.

Бундай ҳақ тўлаш формаси сизнинг вақтингизни тежайди.

Омонат кассалар хизматидан фойдаланинг!

## АХЛОҚ—ОДОБ МАВЗУИДА

# СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Шаҳар касалхонасига танишимни кўргани бордим. У ичкаридан шошти паст чиқиб келди.

— Кайфиятингиз йўқроқми, дейман?

— Ҳа, эрталаб бир кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлдим. Шундан буён...

— Эшитсак бўладими?

— Бўлимимизда Ж. исмли муаллим ётибди, танийсизми?

— Биламан...

— Кўргани хотини келибди. Боғда бинойидай сайр қилиб юришган эди. Бир пайт хотинининг қулоқ-чеккасига тарсакн туширди-да, ҳеч нарса кўрмагандай кетаверди.

— Йўғе, наҳотки ўқимишли одам шундай хатти-ҳаракат қилса, ахир, бу онгсизлик-ку!

Афсуски, баъзан олий маълумотли, дуруст жойларда ишлаётган кишиларда ҳам шундай хунук одатлар кўзга ташланиб қолади.

Дарҳақиқат, хотинига, болаларига, ҳатто онасига қўл кўтарган шахслар ҳақида эшитганингда сочинг тик бўлади.

Даволанаётган эрни кўриш учун яхши ният билан келган хотинга (боингки, хотин айбдор бўлса ҳам) миннатдорчилик билдириш ўрнига кўнглига озор бериш, қўл кўтариш онгсизликнинг яққол намунаси эмасми?! Бундай воқеадан кейин шу одамни маданиятли деб бўладими?! Муаллим сифатида болаларга у намуна бўлоладими?! Йўқ, албатта!

Мен ҳам ўқитувчиман. Ҳаёт тақозоси билан баъзида шундай аҳволга дуч келасанки, ҳатто ҳамкасбингдан ҳам ихлосинг қайтади, қолади.

Бундай ноқобилликни, такасалтангликни, бемеҳрлик каби баъзи иллатларни айрим ёшлар характерида учратганингда ва уларнинг келажаги ҳақида куйиниб ўйлаганингда бехиётёр ёш авлодни ҳушёрликка, «олтин» дақиқаларни беҳудага совурмасликка чақиргинг келади.

Студент Ш. куни-кечаги ичкиликбозликдан сўнг кеч уйғонди. Унинг боши ҳудди чўян қуйилгандай оғир, аъзои-баданч шалвираган, ғўзи тахир, кўнгли айлангандай ёқимсиз эди. Ғирт маст бўлса ҳам ўз ётоқхонасини топиб келганидан мамнун эди. Шу чоқ тўсатдан эсига келиб қолган бир нарса унинг юрагини ёриб юборгудек бўлди. Ичкиликнинг қолган-кутган таъсири ҳам бир баракай йўқолиб. Ўрнини чуқур бир ташвиш олди. У ҳудди шу бугун биологик кимёдан ярим йиллик имтиҳон топшириши керак эди. Қарангки, улфатлар даврасида бўлиб, имтиҳонни паққос унутиб қўйибди. Энди нима қилмоқ керак? Ҳеч бўлмаганда дарслик китобини бир қараб чиқса ҳам майли эди. Чала-чулпа бўлса ҳам лекцияларни ёзиб юрмаганлигига ачинди. Ланж ва аянч ҳолатда ёнидаги стулда гижимланиб ётган кийимларини кия бошлади. Бенхтиёр қўллари шимининг чўнтакларига тушган маҳал ранги қув ўчиб кетди. Уйидан пул келгунга қадар овқатга мўлжалланган 40 сўм йўқ эди. Кечаги ўтиришда кайф билан сахийлиги тутиб, охирги пулни ҳам ўртага ташлагани эслас-эслас кўз олдига келди.

Отаси бор, нима гами бор. Эҳтимол, почтада унга пул кутиб ётгандир. Лекин почтада унга пул қоғозини эмас, хат тутқаздилар. «...Рўзғор ишлари учун зарур бўлиб қолиб, бу сафар сенга пул юборолмадим. Мени кечир, ўғлим, — деб ёзибди отаси. Биласан-ку, мактаб қоровулининг маоши унча катта эмас. Онанг хаста. Унгаям... Жуда зарур деганинг учун ўтган сафар кўпроқ пул юборган эдим. Ҳисобимизча, қўлингда яна 10-15 кунга етадиган пул бўлиши керак. Шунинг учун кўнглимиз тўқ. Қўлингдаги пулни эҳтиётлаб сарфласанг, бизга ҳам, ўзингга ҳам яхши. Биздан сўрасанг...» Хатнинг давомини ўқимади. Гижимлаб улоқтирида, «сен мусофирчиликда қийналиб юрсангу, пул юбориш ўрнига бир дунё насиҳат қилишса...» деб ғижиниб қўйди.

Ўқишга раъйи йўқ, бошқа бир студент ҳақида кафедра мажлисида ҳар сафар гап бўлар эди. Ўқитувчиларнинг топшириқларини бажармай, отасининг ҳурматингизни қилиб»... дейлди.

— Буни ҳурмат демайдилар, эътиборсизлик, ҳушомадгўйлик дейдилар, — дедим.

«Онам ҳудди шу бугун вафот этдилар. Билганларим ҳам хаёлимдан кўтарилиб кетибди», деб ўқитувчида шафқат уйғотиб, имтиҳон дафтарчасига қўл қўйдириб олган яна бир студентнинг чуви чиққан ҳолдар ҳам бўлган. Текширилганда унинг онаси ҳаёт ва жуда соғлом эканлиги аниқланди. Бу виждонсизликнинг учига чиққан аломати эди, албатта. Қалбаки баҳо учун ўз онасига ўлим тилаган фарзандни ким деб атамоқ керак?!

Халқимиз ўртасида «қанқайиш» ибораси учраб туради. «Фалончи амалга миниб-ю, қани, қадигани бўлиб қолди!», «Илмий унвонга эришиб-ю, аввалги камтарлигини йўқотди!» деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бундай ҳолларни биз онгсизликнинг энг ёмон кўриниши сифатида қоралаймиз.

Одамларнинг асабига таъсир этиб, кайфиятини бузадиган, тотув ҳаётни алғов-далғов қиладиган, қолаверса, оғир юрак ва асаб касалликларига олиб келадиган зарарли одатлар, манманлик ҳолларини халқимизнинг турмуш шароити, маданияти ва илмий савияси гоят юксалган бир даврда мутлақо ёт нарса деб ўйлайлик. Яхши яшашимиз, ишлашимиз ва ижод этишимиз учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд экан, нолиш учун: тотувсиз яшаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Бировни ҳақорат қилиш, бировга жисмоний ва руҳий алам етказиш, алдаш, ҳийлакорлик ва кишиларнинг самимияти, ишончидан ўз мақсади йўлида фойдаланиш давримиз кишиларига мутлақо ётдир. Ўзини билимли, онгли ва маданиятли ҳисобловчи кишилар бу ярамас қилиқлардан мутлақо четда ва халос бўлишлари лозим. Билим олиш учун ўқимоқ, онгли бўлиш учун тиришмоқ керак деган доно гап бор. Бунга ҳар вақт амал қилсак, фақат рўшнолик кўрамиз. Замонамиз ва ҳаётимизнинг талаби шундай.

Ҳаким ЗОҲИДИЙ,
профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ГАЗЕТАНИНГ 24 ИЮНЬ СОНИДА БОСИЛГАН «АНҚОВЛАР ДЎСТИ» САРЛАВҲАЛИ ФЕЛЬЕТОН ЮЗАСИДАН

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ:

Фельетон юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Фирибгарлик, алдамчилик қилганлиги учун Ж. Тўрахўжаев ҳибсга олинди.

Анқовлик қилганликлари, Ж. Тўрахўжаевнинг фирибгарлигини ўз вақтида фош қилиш чораларини кўрмаганликлари учун Чилонзор район ижроия комитети ички ишлар бўлимининг участка вакили М. Орипов ва милиция санитария назоратчиси М. Баракаевларга маъмурий чора кўрилди.

Ички ишлар бўлимларининг ходимлари ўртасида ҳушёрликни ошириш, жамият аъзоларига намунасиб тарзда ҳаёт кечираётган шахсларга қарши курашни кучайтириш, текширўрларни ўз вақтида аниқлаш ва жавобгарликка тортиш тадбирлари белгиланди.

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ:

Текшириш давомида Ж. Тўрахўжаев фельетонда келтирилгандан бошқа миноятлар қилганлиги ҳам маълум бўлди. У жавобгарликка тортилди.

### «ЙЎЛЛАРДАГИ ЮЛҒИЧЛАР»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда («Совет Ўзбекистони», 1973 йил 5 август) Тошкент шаҳридаги 12-автобус ва 2-маршрут таксн линияларида ишловчи айрим ҳаромхўрлар йўловчилардан пул олиб, билет бермаётганликлари, бу билан давлатга зарар етказаётганликлари, Тошкент аэропортининг навбатчи контролерлари Раъно Шомирзаева ва Нина Калташевалар эса фирибгарлик билан шуғулланганликлари кўрсатилганди.

Тошкент шаҳар автомобиль трестидан олинган жавобда бундай дейилади: текшириш ўтказилганида, фельетонда келтирилган фактлар тасдиқланди. Молия интизомини бузганликлари, давлат пулини ўзлаштирганликлари учун ҳайдовчилардан Лизов халқ суди томонидан бир йиллик муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Тимофеевни жавобгарликка тортиш ҳақидаги материаллар тергов органларига юборилди. Анисимов ва Агеевларга ҳайфсан эълон қилинди. Мордвинцев қаттиқ огоҳлантирилди. Кондукторлар Козлова, Шамакина, Митрофановаларга нисбатан ҳам маъмурий чора кўрилди.

Тошкент авиабўлинмасидан олинган жавобда айтилишича, илгари фойдаланилган авиабилетларни сохталаштириб пуллаганликлари учун Р. Шомирзаева ва Н. Калташевалар фирибгарликда айбланиб, жавобгарликка тортилганлар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Совет Ўзбекистони
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ⊙ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 336142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 233. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02725.